



ФРАНЦУЗ АУДИОВИЗУАЛ СЕКТОРИДАГИ *FRANCE 24* ҲАЛҚАРО ЯНГИЛИКЛАР ТЕЛЕКАНАЛИНИ ТРАНСЛЯЦИЯ ТИЛЛАРИ ХАҚИДА

Тлеуов К.Ж.

Қарақалпоқ давлат университети

Аннотация: Мазкур мақолада Францияни ҳалқаро янгиликлар телеканали ҳисобланган *France 24* ни трансляция тиларини жорий этишининг кетма-кетлиги ва эволюцияси, шунунгдек трансляция тилларини танлаш аспектлари ҳамда сабаблари ҳақида сүз боради. Шунингдек, бу жараёнлар илмий адабиётлар, архив материаллари ва манъбалар асосида таҳлил қилинган.

Таянч сұздар: ҳалқаро янгиликлар телеканали, аудиовизуал соҳа, *France 24 in English*, *France 24 en francaise*, *France 24 en espagnol*

Аннотация: В данной статье рассматривается последовательность и эволюция внедрения языков вещания *France 24*, международного новостного канала Франции, а также аспекты и причины выбора таких языков вещания. Также данные процессы были проанализированы на основе научной литературы, архивных материалов и источников.

Ключевые слова: международный новостной канал, аудиовизуальный сектор, *France 24* на английском языке, *France 24 en francaise*, *France 24 en espagnol*.

Abstract: This article examines the sequence and evolution of the implementation of broadcast languages of *France 24*, an international news channel in France, as well as aspects and reasons for the choice of such broadcast languages. Also, these processes were analyzed on the basis of scientific literature, archival materials and sources.

Keywords: international news channel, audiovisual sector, *France 24 in English*, *France 24 en francaise*, *France 24 en espagnol*.

Хозирда жаҳон медиа бозорида ҳалқаро янгиликларни 24/7 форматида ўз аудиториясига тақдим этувчи телеканаллар сони кўндан кўнга ортмоқда. 1980-йилнинг 1-июнида АҚШ да дунёдаги биринчи 24/7 форматидаги ҳалқаро янгиликлар телеканали CNN га асос солинган бўлса, сўнгра, 1989-йили Европада Sky News га, 1993-йили эса Euronews га ва 1996-йили араб дунёсида Al Jazeera телеканаларига асос солиниб[1.16], XXI асрга келиб 24/7 форматидаги бошқа бир қанча ҳалқаро янгиликлар телеканаллари ўз контентини бир вақтнинг ўзида бир қанча тилларда аудиторияга тақдим этиб келмоқда. Мисол тариқасида *EuroNews* (10 тилда), *GGTN* (4 тилда), *DW*(5 тилда), CNN(10 дан ортиқ тилда) ва бошқа бир қанша ҳалқаро янгиликлар телеканаларини кўрсатишимииз мумкун.





Мазкур мақоламизда францияни ҳалқаро янгиликлар телеканали саналган France 24 айнан қандай кетма-кетликдә ва нима учун трансляция тиллари сифатида француз, инглиз, араб ва испан тилларини танлаганлигининг сабабларига тұхаталмиз.

Ушбу сабабларни аниқлашни бошлашдан олдин мазкур телеканал ҳақида қисқа маълумот беріб ўтсак. France 24 - француз, араб, инглиз ва испан тилларида ҳафта давомида туну күн 24 соат ўз күрсатувларини олиб борадиган ҳалқаро янгиликлар телеканали. Фаолиятини 2006-йилнинг декабр ойида Францияда бошлади. Фаолиятининг биринчи куни телекүрсатувлар эксклюзив тарзда интернет тармоғи орқали трансляция қилинди. Ҳозирда телеканални жаҳонинг 175 давлатида кўриш имкони мавжуд ва телеканал дастурлари дунёning 38 сунъий йўлдоши орқали тарқатилади. Шунунгдек бу телеканал босим кўпчилиги француз тилида гаплашадиган Африка давлатлари орасида биринчи рақамли ҳалқаро янгиликлар телеканали саналади. Телеканал контенти 450 га яқин журналистлар ва жаҳон буйича 150 дан ортиқ корреспондентлари иштироқида шакллантирилади ва ҳар куни эфирга тўрт тилда 165 янгиликлар бюллитенлари ўзатилади. Ҳозирда мазкур телеканал контентини ўрта ҳисобда дунёning 521 миллиондан кўпироқ оиласлари тамоша қилмоқда. Ҳафта давомида тўрт тилда олиб бориладиган ҳалқаро янгиликлар трансляцияси аудиторияси 107 миллиондан кўпироқ. Телеканални рақамли платформалари ойига ўрта ҳисобда 23 миллиондан очик тамошобини жалб қилиб 213 миллиондан ортиқ видео контент улар тарафидан тамоша қилинади. Телеканал ижтимоий тармоқларда (*Facebook, Twitter va Instagram*) 63 миллиондан кўпироқ обуначига эга.

Мазкур телеканални ташкилаштириш жараёнида француз давлати, жамоатшилиги ва медиа вакилларидан ташкил топган маҳсус комиссия тарафидан канални юридик статуси, молиялаштирилиши ва техник аспектлари, трансляция географияси ва албатта трансляция тилларини аниқлаш бўйича ўзок давом этган бир қанча мунозоралар ва консультациялар ўтказилди[2.153]. Трансляция тилларига оид мунозараларда фаолияти йўлга қўйилиши кутилаётган ҳалқаро янгиликлар телеканалини тили факат француз тилида бўлиш керакми, ёки телеканал ўз контентини аудиториясига бизнес, сиёsat, маданият ва бошқа соҳаларда кенг қўлланиладиган бошқа тилларда хам етказиши керакми деган саволлар мунозаралар марказидан жой олди[3.67].





Натижада аудиторияни максимал даражада ошириш ва каналнинг асосий мақсадли аудиторияси деб саналган жамоат фикрини шакллантирувчи элита орасида ўз таъсирини кенгайтириш учун канал биринчи навбатда учта тилда – француз, инглиз ва араб тилларида контент тақдим этиши қарор қилинди. Бу ўз навбатида Франция хукуматининг мазкур телеканални ташкилашибди оид хужжатида трансляция тиллари сифатида дастлаб француз, инглиз ва араб тиллари, сўнг эса испан, португал, ҳитой ва бошқа тиллар танланишини белгилади. Бўнга қўшимча канални ташкилашибди комиссияси телеканал ўз кўрсатувларини дастлаб Европа, Африка ва Яқин Шарқ давлатлари ҳудудларида француз, инглиз ва араб тилларида эфирга ўзатиш таклифини билдириди. Яна, хукмат хужжатида телеканалга аосос солинган кундан бир вақтни ўзида бир қанша тилларда телеканал трансляциясини бутун дунё бўйлаб амалга ошириш мантиқизлиги ва жаҳон бўйлаб трансляцияга вақт талаб этилиши атаб ўтилди. Шу сабабдан Европа, Африка ва Яқин Шарқ давлатларида француз, инглиз ва араб тилларидаги кўрсатувлар вақт нуқтай назаридан тўлук консолидация бўганидан сўнг телеканал контентини Америка ва Осиё континентларига олиб киришга қарор қилинди. Масалан Америка континентидаги испан тили доминант ҳисобланган давлатларга испан тилидаги контентни, кейинчалик телеканални португал тилидаги контентни Бразилия учун, ҳитоий тилидаги мандарин диалектидаги контентини Осиёга тарқатиш ғояси ҳам олға сурилди.

Трансляция тилларини жорий этиш ва эволюциясига тўхталадиган бўлсак, албата мазкур телеканал ўз фаолиятининг биринчи қўнидан кўрсатувларини инглиз ва француз тилларида олиб бора бошлади. Француз тилида ҳалқаро янгиликларн жаҳон бўйлаб тарқатиш, уларни таҳлил қилиш, уларга француз нуқтай назаридан изоҳ бериш, давлат таъсирини кенгайтириш ва францияни бетакрор ва ўзига хос маданиятини жаҳон бўйлаб кенг тарқатиш бу телеканални француз тилидаги версиясининг аосий миссияси сифатида белгилаб олинди. Инглиз тили жаҳон бўйлаб кенг тарқалганлиги, ҳалқаро янгиликларни тарқатишида инглиз тилининг кенг қўлланилиши, мақсадли аудиториянинг босим қўпчилиги инглиз тилини билишлиги ҳамда телеканал потенциалини ва аудиториясини максималаштириш мақсадида телеканални трансляция тили сифатида инглиз тилини танланди. Англосаксон маданий империализимига қарши турушга қодир бўлиши назарда тўтилган мазкур телеканални ҳалқаро





янгиликларни аудиторияга етказиша устувор саналган француз ва инглиз тиллариغا 2007 йили араб тили ҳам қўшилди. Режага кўра 2009 йили фаолияти йўлга қўйилиши назарда тутилган телеканални араб тилидаги вариантида кўрсатувлар дастлаб 4 соат давом этган бўлса 2010 йилдан кўрсатувлар ҳафтада 24 соат давомида эфирга ўзатилиб борилмоқда. Араб дунёсини Франция давлати ўз миллий манфаатлари учун муҳум деб ҳисоблайдиган глобал минтаقا бўлганлиги сабабли телеканални араб тилидаги вариантининг ўрни алоҳида. Араб медиа бозорига теранг кириб бориш ва араб аудиториясини кенгироқ жалб қилишни[4.76] мақсад қилган телеканални араб тилидаги варианти фаолияти йўлга қўйилгандан ўн йил ўтиб, 2017-йили мазкур телеканални трансляция тили испан тили эавазига яна биттага кўпайди. Аллақачон жаҳон буйлаб француз, инглиз ва араб тилларида эфирга ўзатилаётган француз ҳалқаро янгиликлар телеканали 2017-йилнинг 26-сентябрдан бошлаб Лотин Америкаси аудиториясига мўлжалланган испан тилида ҳам эфирга чиқа бошлади. Испан тилидаги кўрсатувлар дастлаб 6 соат, кейинчалик 2019 йилидан 2022 йилнинг сентябрига қадар 12 соат, 2022 йилдан ҳозирги кунга қадар 24 соат эфир юзини кўра бошлади. Якуний мақсади бутун қитъани қамраб олишни мақсад қилган мазкур телеканални испан тилидаги версияси аввал Мексика, Аргентина, Колумбия, Чили, Перу, Боливия, Уругвай, Панама, Гватемала, шунингдек, Кариб ҳавзасидаги давлатларда ўз кўрсатувларини аудиторияга ўзатишни бошлади.Faoliyatining birinchi kuniidan ispan tiliidagi telekanal versiyasi yuz auditoriasiga sun'ggi yangiliklaridan tortib atrof-muxit, madaniyat va sportgacha bolgan keng koulamli mavzularni yuz ichiga olgan kontekstli ma'lumotlar orqali Lotin Amerikasi va jahon yangiliklariiga fransuzcha nuqtai nazarni takdim etishi boishladi.

Демак, юқорида келтирилган маълумотларни таҳлил қилган ҳолда хуроса қиласиган бўлсак францияни ҳалқаро телеканали саналган France 24 ўз трансляция тиллари сифатида француз, инглиз, араб ва испан тилларини қўйдаги мақсадлар учун танлаган деб хуроса қилишимиз мумкун. Улар, биринчидан француз тилидаги ҳалқаро янгиликлар телеканалини барпо этиш орқали жаҳон сиёсати ва ҳалқаро ишларга француз нуқтаи назарини билдириш. Иккинчидан инглиз тилида янгиликларни аудиторяга етказиш орқали France 24 телеканали потенциалини ва қамровини максималаштириш. Учунчидан Франция давлатини





миллий манфаатлари учун муҳум деб саналган Араб дунёсига араб тилидаги контент орқали теранг кириб бориш ҳамда ушбу минтақада француз давлати обруйини янада мустаҳкамлаш ва ниҳоят тўртингидан испан тилидаги контент орқали Лотин Америкаси аудиовизуал ландшафтидаги ўз ўрнини мустаҳкамлаш ва телеканлни француз, инглиз ва араб версияларига тенг бўлган испан тилидаги узлуксиз янгиликларни тақдим этиш бўлиб саналади.

Адабиётлар:

1. Stephen Cushion and Justin Lewis. “*The Rise of 24-Hour News Television Global Perspectives*” 2010 Peter Lang Publishing, Inc., New York. 16-бет.
2. R.Kuhn. *The Media in Contemporary France*. McGraw-Hill Education. 2011., 153 бет.
3. N° 0857 - 01 - Rapport d'information sur la création d'une Télévision française d'information à vocation internationale - Tome I (M. Christian Kert) (assemblee-nationale.fr) 76-бет.
4. Mohammad Ayish and Noha Mellor., “*Reporting in the Mena Region Cyber Engagement and Pan-Arab Social Media*”, 2015 by Rowan & Littlefield., 76-бет.
5. Anne Geniets. “*The Global News ChallengeMarket Strategies of International Broadcasting Organizations in Developing Countries*” Routledge., 2013.

